

XIX ASR OXIRI VA XX ASR BOŠLARIDA NAMANGAN VILOYATI XALQ TAʼLIMI TIZIMI TARIXI



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-310-318>

Мамасанов Лутфилло Пайзулло ўғли

Наманган давлат университети

Тарих кафедраси ўқитувчиси

Rashid_4062303@mail.ru

Тел: 998934062303

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Наманган вилояти Халқ таълими тизими тарихига оид XIX аср охири ва XX аср бошларида амалага оширилган ўзгаришлар ёритилган бўлиб, унда XIX аср охирида юртимиз ҳудудларида таълим этилган эски ва янги усул мактаблари ва улардаги таълимнинг ўзаро фарқи ҳамда боғлиқлиги, дарс беришга оид методик жиҳатлари шу билан бирга Россия империяси томонидан Ўлкамиз ҳудудларида 1884 йилда таълим этилган Рус-тузем мактабларининг фаолияти ва дарс бериш усуллари, Рус-тузем мактаблари ривожланиши бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида ёритилган.

Калит сўзлар: Таълим, мактаб, мадраса, эски усул, Янги усул, бошланғич таълим, Совет даври, тараққийпарварлар.

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещены изменения, внесенные в практику системы народного образования Наманганской области в конце XIX и начале XX веков, в которых отражены различия и взаимосвязь между старыми и новыми школами, основанными в конце XIX века на территориях нашей страны, и их образованием, а также методические аспекты преподавания, связанные с введением в 1884 году Российской империей, также освещается деятельность и методы преподавания организованных русско-туземных школ и проводимая работа по развитию русско-туземных школ.

Ключевые слова: образование, школа, медресе, старый метод, Новый метод, начальное образование, советский период, прогрессисты.

ABSTRACT

This article highlights the changes made to the practice of the public education system of Namangan region in the late XIX and early XX centuries, which reflect the differences and the relationship between the old and new schools founded at the end

of the XIX century in the territories of our country, and their education, as well as methodological aspects of teaching related to the introduction Russian Russian Empire in 1884, also highlights the activities and teaching methods of organized Russian-native schools and the ongoing work on the development of Russian-native schools.

Keywords: *education, school, madrasah, old method, New method, primary education, Soviet period, progressives.*

КИРИШ

Миллий ўзликни англаш, маънавий ва маданий ҳаётни таълим соҳаси орқали ривожлантириш Ўзбек давлатчилиқ тарихининг энг муҳим омиллардан саналган. Юртимиз тарихида таълим соҳасига эътибор доимо юқори даражада бўлган. Айнан Шарқ ренессанси даврининг буюк алломалари ва уларнинг жаҳон маданиятига таъсири илм-фан ва маърифат соҳасида хизматлари билан боғлиқ. Бу даврда тарих, тил ва адабиёт, астронимия, тиббёт, математика, физика ва педогогика фанларнинг ўқитилиши ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби қомусий олимлар этишиб чиқишига сабаб бўлган.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев табири билан айтганда бу қутлуғ диёрда ўтмишда 400 га яқин мадраса, жумладан, 33 та олий мадраса, яъни, олий ўқув юрти фаолият юритгани бугун ҳам одамни ҳайратга солади [1] дея маълумот келтириб, Ўзбекистон қадимдан илму-зиё масканларидан бири эканлигини такидлайдилар.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Мақолада ижтимоий-гуманитар фанларига оид бўлган тарихийлик, холислик, даврий изчиллик, қиёсий, танқидий, мантикий ва хронологик таҳлил усулларида фойдаланилган. Наманган вилояти халқ таълими тизимининг юзага келиши оид илмий адабиётлар деярли чоп этилмаган. Лекин, ўз тадқиқотларида Наманган вилояти халқ таълими соҳасига оид тадқиқотлар олиб борган олимлар жумласига, М. Мирзавалиев, А. Расулов, В. Ражапов, А. Исоқбоев, А. Чориев, И. Алимов, У. Долимов, Р. Дадабоев, Д. Насриддинова, М. Абдуллаева ва Ў. Асқарова, кабиларнинг асарларини киритиш мумкин. Амалга оширилган кўплаб тадқиқотлар натижасида шу фикрга гувоҳ бўлиш мумкинки, тарихчи олимлар томонидан Наманган вилояти халқ таълими тизимига оид маълумотлар атрофлича ёртилмаган ва муайян даврга оид бўлган. Биз мазкур

мақолани тайёрлаш жараёнида Наманган вилояти халқ таълими тизими тарихига оид кўплаб Совет ва мустақиллик даври манбаларини тадқиқ этдик ва мактабларда таълим сифати, моддий-техник базасидаги ютуқ ва камчиликларни мақолада муайян даражада ёритишга эришдик.

НАТИЖАЛАР

Тарихан назар солсак XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб юртимиз ҳудудида эски усулдаги мактаблар, Янги усул мактаблари ва Рус тузем мактаблари ташкил этилиб, мактабларнинг фаолияти бугунгисидан фарқли равишда махсус давлат дастури ва ягона тизимга эга бўлмаган. Улар ҳукумат вакиллари, жаҳид ва диний уламоларнинг бу борадаги қарама-қарши фикрлари доирасида тузилган.

Юқоридаги 3 гуруҳ мактаблар фаолиятига эътибор қаратсак, “Ески усул” мактаблари ўзида ўрта асрлар қарашларини акс этган ҳамда, бошқа мактаблардан фарқли ўлароқ асосан диний мазмундаги билимларни берган. Янги усул мактаблари эса таълим жараёнларида диний ва дунёвий фанлар ўргатилиши билан фарқланган.

Рус-тузем мактаблари эса Россия империяси Ўрта Осиёни эгаллагандан сўнг бу ҳудудларга кўчиб келган рус оилалари фарзандларига таълим бериш ва маҳаллий миллат орасида рус маданиятни ёйиш ва мустамлака маъмуриятига керакли кадрларни етиштириб бериш мақсадида очилган. Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасини руслаштириш сиёсатининг авж олиши ўлкадаги халқ таълими тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ўрта аср мусулмон мактабларини ислоҳ қилишдан бош тортган империя русийзабон кишилар ўрнашган ҳудудларда рус мактабларини очиш ва уларда маҳаллий аҳоли фарзандларини ўқитиш орқали Туркистонда маориф соҳасини ўз сиёсатининг қуроли қилиб олишга ҳаракат қилган. Чунки, 1866 йилда Тошкентга кўчиб келган европалик болаларини ўқитиш учун дастлабки рус мактаби очилди. Мустамлакачилар европалик болалар билан бирга ўқиш учун маҳаллий аҳоли фарзандларини ҳам қабул қилар эди. Туркистонда бундай мактаблар ҳақида ҳали мусулмон табақалари орасида етарли тушунча бўлмаган, бу сиёсат даражасида махсус топшириқ эди [2, 61]. Бу орқали кейинги йилларда ўлкамиз ҳудудидаги аҳолини руслаштириш ишларини жадаллаштириш аста-секинлик билан миллий ўзликни камайитиришга уринишган.

Ўлкамиз ҳудудида руслаштириш сиёсатига қарши дастлабки чоралар миллий тараққийпарвар зиёлилар томонидан олиб борилди. Улар Исмоил

Гаспаралининг маърифатчилик ғоялари асосида яратилган “Янги усул” мактабларини очиш ва халқнинг қадимий қадриятлари ва анъаналарини сақлаб қолиш, миллий ўзлиқни асраш борасида улкан ишларни амалга оширдилар. Туркистондаги барча мактаб ва мадрасаларнинг мударрис ва талабалари таълим ва тарбия жараёнларида машҳур олимлар, ислом ва мусулмон ҳуқуқлари билимдонлари томонидан ёзилган дарслик ва ўқув қўлланмалардан фойдаланишган.

Россий империяси босқинчилик сиёсатини юритар экан, фақат сўзда мусулмон ўқув юртларининг ишига аралашмаслик ҳақида гапириларди, аслида эса диний мактаблар болалар сонини камаятиришга бел боғлади. Ўлкада рус-тузем мактаблари очилиб ва яна қатор тadbирлар ёрдамида мусулмон мактабларининг таъсир доирасини камайитиришга уринишди. Россия империяси ҳукуматнинг диний мактаб ва мадрасалардаги ўқувчилар сонини қисқартиришга қаратилган руслаштириш сиёсати қанчалик кучли бўлмасин, ўлка маънавий ҳаётида мадрасаларнинг обрўси пасаймади.

1899 йили Туркистоннинг Сирдарё, Самарқанд, ва Фарғона вилоятларидаги 4632 мактабда 44773 ўқувчи ўқиган бўлса, 1913 йилга келиб эски усулдаги мактаблар сони 7290, ўқувчилар сони эса 70864 нафарга етди. Бу даврда мактаб ва мадрасалар сони 7664 тага етди [3, 34-35].

Бу уч тоифадаги мактаблар Наманга вилояти ҳудудларида ҳам мавжуд бўлган. Айнан, Наманган уездида биринчи рус-тузем мактаби 1886 йилда, янги усул мактаби эса 1897 йилда очилади. Аммо, руҳонийлар уларни “кофирлар мактаби” деб эълон қиладилар. Шундай бўлсада, ушбу мактабга қизиқиш ортиб борди. Ҳатто, илғор маърифатпарвар олим ва шоир Исоқхон Ибрат ўз ўғли Аббосхонни биринчилар қаторида рус-тузем мактабига ўқишга беради. Бу даврда шаҳарда Саидкулбек ва Мулла Қирғиз мадрасалари мавжуд бўлиб, Намангандаги саводлилар барча аҳолининг 2,9 фоиздан ошмаган [4, 8]. Шунингдек, Наманган уезди 1882 йил бўйича берган хабарномада эса 17 мадраса ва 62 та мактаб мавжудлиги ҳақида маълумот берилган. 1887 ва 1888 йиллар бўйича хабарномада 42 та мадраса ва 296 та мактаб ҳақида маълумот берилган. Мадраса ва мактаблар сонидagi фарқнинг сабаби, бизнинг фикримизча, 1882 йилда улар тўла рўйхатга олинмаган, 1887 ва 1888 йилларда тўла рўйхатга олинган бўлиши керак. Чунки қисқа вақт ичида, 5-6 йилда 25 та мадраса ва 134 та янги мактаб бунёд этилиши мумкин эмас. Бу фикрни 1887 ва 1888 йилларда мактаблар сонидa ўзгариш бўлмаганлиги ҳам тасдиқлайди [5, 14].

1875 йилда Наманганда 371 та мактабларда 7121 нафар, 1898 йилда 400 та мактабда 5501 нафар бола ўқиганлиги ҳақидаги маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, 1875 йилдан 1898 йилгача мактаблар сони 29 тага кўпайган, ўқувчилар сони эса 1620 нафарга камаган. Аммо, шунга қарамасдан мадрасалар сони 16 тага кўпайган [4, 7]. Шу даврларда Туркистон генерал-губернаторлиги бош инспекторининг кўрсатмасига биноан, Фарғона области ҳарбий губернатори буйруғи билан 1878-йил 1-июндан бошлаб вилоят территориясида 8 та ўқув юрти очилди. Шундан 1879 йилда Наманганда битта ўғил болалар учун икки синфли ва битта қизлар учун икки синфли ўқув юрти очилди [4, 8].

1900 йилги маълумотларга кўра, Наманган уезд аҳолиси 314300 нафари ташкил этган. Наманган уездининг энг йирик шаҳри ва маъмурий маркази Наманган шаҳри бўлиб, унда 61388 нафар аҳоли яшар эди (1900). Шаҳарнинг маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмида 11425 хонадон, 347 масжид, 16 қабристон, 6 қаландархона, 74 эрлар ва 13 қизлар мактаблари, 20 мадраса, 35 қорихона мавжуд бўлган [6, 36-37].

1893 йилда дастлабки жаҳид мактаби Самарқанд шаҳрида савдогар Ҳусайновнинг уйида очилди. 1897 йили Андижонлик Султонмуродбойнинг пахта тозалаш заводида иккинчи янги усул мактаби очилди [7, 36-37].

Наманган ҳудудида 1907 йилда янги усул мактаби ташкил этилиб, бевосита машҳур ўзбек маърифатпарвари Исоқхон Жунайдуллаҳўжа ўғли Ибрат номи билан боғлиқдир.

Тўрақўрғонга таклиф этилган Ҳусайин Макаев Ибрат томонидан ташкил этилган янги усул мактабида маҳаллий аҳоли болаларини ўқита бошлайди. Янги усулда ташкил этилган мактабда унинг фаолияти тезда ўз самарасини бериб, маҳаллий аҳоли болаларининг саводи чиқади. Бу ҳол унинг обрўсини янада ошишига сабаб бўлади. Исоқхон Ибрат Ҳусайин Макаевнинг фаолиятига қуйидагича баҳо беради: “Қозон тарафиндан бир муаллим жалб этуб, мактаб қилиб бердим. Мактабнинг қушодиға (ташкил бўлганига) уч ой бўлгани йўқ, йигирмадан зиёда кичик болалар, ўн бешта одамлар “алиф нима?” деган саволина “калтак” деб жавоб берувчилар тамом саводи чиқиб, ҳар нарсани ёзадурған бўлдилар” [8, 54] дея фикр билдиради.

Ҳусайн Макаев ва Абдулрауф Шагидуллин биргаликда Наманганда мактаб уюштириб, ўзбек ва татар болаларини ўқитиб, таълим соҳасига катта ҳисса қўшадилар [9, 179]. Э. Мирзаалиевнинг “Наманган шаҳар халқ маорифи тараққиёти тарихидан” деб номланган рисоласида рус-тузем мактабларининг ташкил қилинишига оид бир қанча маълумотларни келтиради. Яъни, 1904

йилда Наманганда рус-тузем мактаби очилиб, унга айрим ўзбек болалари кириб ўқийди. Наманганда бундай мактаблар очилиши, идора ишларини яхши йўлга қўйиш, рус кишиларининг маҳаллий бойлар ва амалдорлар билан бўлган савдо муомалалари ишини осонлаштириш мақсадида очилган деб маълумот берилади [10, 9].

Наманган ҳудудидаги мактабларнинг кўпи яроқсиз ҳолатда бўлиб, айрим мактаблар мослаштирилган биноларда олиб борилад эди. Масалан 1902 йил 27 февралда чоп этилган “Русский Туркестан” газетасидаги қуйидаги фикрларни кўришимиз мумкин. “Мактаб кўпинча омборхонага ўхшаган жиҳозсиз, куруқ жойда жойлашган. Ўқувчилар девор бўйлаб тизилиб, куп-куруқ ерга ўтиришган [11, 30].

Рус-тузем мактаблари ўша замон талабларига жавоб берган мактаблар бўлиб танилган. Маҳаллий халқ болалари ўқитиладиган синфлар учун янги дарсликлар тутила бошлади: маҳаллий аҳоли болалари учун нашр қилинган ўқиш китобларига М. А. Крилов, А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Н. А. Некрасов, Л. Н. Толстой, К. Д. Ушинский асарларидан намуналар (ертаклар, масаллар ва ҳоказолар) киритилган [10, 6].

Янги усул мактабларига нисбатан халқнинг ишончи ортиб бориши сабаби шуки, жаҳид мутафаккирларининг араб, форс, озарбайжон, татар ва рус тилларидаги “Туркистон вилоятининг газетаси”, “Осиё”, “Шуҳрат”, “Садои Туркистон”, “Тараққий”, “Хуршид”, “Хуррият” каби газета ҳамда журналларда озодлик, тинчлик ва ҳурфикрлилик каби мавзулардаги мақолалари халқ орасида тез тарқала бошлади. Шунингдек, жаҳидлар мактабларида таълим беришда янги метод ва усуллари кўллаб билиши халқ орасида жаҳид мактабларининг мавқеи ошишига олиб келди.

Наманганлик марифатпарварлар таълим бериш соҳасида юқори натижаларга эришган. Бу ҳақида ўша йилларда ўқитувчилик қилиб нафақага чиққан Ёўлдош Нажмиддинов ўз эсдаликларида қуйидагиларни ёзиб қолдирган: “1910 йилларда Наманганда янги мактаб ташкил бўлди. Даставвал Ҳусайн Макаев деган татар киши келиб, янги усулдаги мактаб очганда, шаҳарда дув-дув гап тарқайди: Макаев деган татар келиб, янги усулда мактаб очиб, тўрт йилда ўқиш ва ёзишни, ҳисобни ўргатиб, мулла қилаётганмиш. Ўқиган болалардан бир сўм пул олар эмиш. Болаларни урмасдан, одобли қилиб ўқитармиш” дея маълумотлар кенг ёйилди [4, 8].

1918 йилда совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин яна янги мактаблар очила бошлади. Наманган шаҳридаги 1-универмагнинг иккинчи қаватида

“Ватан” номли мактаб очилди. Бунда Акмал Икромов, Мўйдин Шоҳимардонов ва бошқалар ўқитар эдилар. Қўқон кўчадаги Нуриддин афанди деганнинг ерида Турон мактаби ташкил этилган. Бунда турк домла Нурий афанди, Лутфулла Олимий ва бошқалар ўқитар эдилар. Сардоба мадрасасида Тожи Раҳмоний деган киши бошлиқ бўлиб, унда олти синфли мактаб очилган, Чукур кўча, Кўзагарлик ва Уйчи кўча оғзидаги болахонада тўрт синфли мактаб бўлиб, унда Азимхон афанди мудирлик қилган [12, 34].

XX асрнинг бошларида Ўзбекистонда саводсизликни тугатиш мактабларининг дастлабки муаллималари рус ҳамда маҳаллий миллат тилини яхши билган татар-бошқирд аёлларидан иборат бўлган. Мазкур мактабларга муаллималарнинг етишмаслиги ўша даврнинг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида педагогик билим юртлари ташкил этилган.

Бундай билим юрти Наманган шаҳрида ҳам очилиб, Туркистон халқ маорифи комиссарлигининг 1919 йил 6 октябрдаги буйруғига кўра, татар муаллимаси Изза-Нур Муҳаммедова билим юртига ўқитувчи этиб тайинланади [13, 72]. Мазкур билим юртлари ва мактабларда муаллималарнинг фаолият кўрсатиши осонлик билан кўчмаган. Дастлаб маҳаллий миллат вакиллари бундай мактабларнинг фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилдилар. Аммо Совет ҳокимиятининг таълим соҳасидаги ислохотларнинг айрим жиҳатлари эътиборли эди. Уларнинг бепул ва мажбурий таълим олиш ҳақидаги, ўқиш билан ижтимоий-ишлаб чиқариш меҳнати ўзаро алоқасини таъминлаш зарурлиги, ижтимоий мансубликни тан олмаслик ва бошқалар ҳақидаги талаблари ана шу ижобий жиҳатларидан эди.

МУХОКАМА

Мазкур ўрганилаётган даврда Наманган вилоятида Халқ таълим тизими ўз даврига нисбатан яхши ҳолатда ривожланди. Сабаб Ўзбекистон XIX аср охири ва XX аср бошларида Россия империяси кейинчалик СССРга тобе давлат бўлганлиги ва бошқа соҳалар қатори таълим соҳаси ҳам мафкуравий таълиқлар остида қолганлиги фикримизнинг далилидир. Тўғри бизнинг ҳудудларимизда миллий тараққийпарварлар ва дин уламолари томонидан Янги ва эски усул мактаблари ташкил этилган бўлсада бу мактабларнинг фаолияти узоқ даврга бориб етмади. Аммо масаланинг бошқа жиҳати мавжудки, мазкур мактаблар ўзида миллий урф-одатлар ва анъаналарни мужассам этган ҳолда ташкил

этилиб ютимиздаги кўплаб ўқувчиларни хат-саводлари чиқарилди, диний ва дунёвий билимлар берилди.

Лекин шунга қарамасдан Россия империяси ўлка ҳудудларидаги мактабларга ҳамоҳанг равишда Рус-тузем мактабларини ташкил этиб миллий мактаблар фаолиятига аста секинлик билан қаршилик ишлари олиб борди. Рус-тузем мактабларининг бу даврдаги ютуқлари мактаблар янги биноларда эди янги ва эски усул мактаблари эса мослаштирилган ёки масжид қошида очилган бинолардан иборат эди. Рус-тузем мактабларида таълим беришда янги ўқув адабиётлари билан таъминланган бўлса, эски ва янги усул мактаблари зиёлиларнинг ўзлари томонидан тайёрланган қўлланмалардан иборат эди.

Умуман олганда Совет ҳукумати даврида Ўзбекистонда Халқ таълим соҳаси ривожланиб, ўқитувчилар тайёрлаш курслари, 1950 йил умумий етти йиллик таълим, 1965 йилда саккиз йиллик таълим, 1975 йилдан умумий мажбурий ўрта таълим тизими жорий этилиб, янги мактабларнинг бунёд этилиш ва касб-хунарга йўналтириш ишлари ривожланди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўрта Осиё ҳудудлари Россия империяси томонидан босиб олингандан сўнг бу ҳудудларда империя томонидан кўз юмиб бўлмас хатолар ва инкор этиб бўлмас янгиликларни амалга оширилди.

Масалан, совет ҳукумати томонидан Ўзбекистон ҳудудида бошланғич таълим жараёнларини йўлга қўйилиши, мактаблар сифат жиҳатдан яхшиланиши, кадрлар тайёрлаш бўйича ишларни ташкил этилиши ва бошқа кўплаб янгиликлар эътибордан четда қолдириш мумкин бўлмасда, аммо таълим барча босқичлари барча соҳалар қатори мафкуравий таъликка дучор бўлди. Лекин Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиши билан таълим соҳасини миллий кўринишда ташкил этиш ишларига катта эътибор берилди.

REFERENCES

1. <https://uzreport.news/politics/shavkat-mirziyoyev-abu-ali-ibn-sino-va-sharq-renessansi-mavzusida-xalqaro-ilmiy-konferensiya>
2. Abdullayeva M, Asqarova O' va boshqalar. Ta'lim tarixi.—Т., 2013. —В. 61.
3. Чориев А. Х. Мустабид шўролар тузуми шароитида Ўзбекистон халқ таълими ва ўқитувчи кадрлар тайёрлаш: миллий анъанавий ва шўро таълим

- тизимлари ўртасидаги зиддиятлар (20-30-йиллар). Тарих фан. док...дис. –Т., 1998. –Б. 34-35.
4. Ражапов В. Т. Наманган шаҳар халқ таълими тизимининг ривожланиши тарихи. –Наманган., “Ноширлик ёғдуси”. –2011. –Б. 8.
5. Алимов И. А. XVI–XVIII асрларда Наманган беклигидаги мадраса, қорихона ва мактаблар тарихидан. Наманган тарихидан лавҳалар.1-китоб. – Наманган, 2010. –Б. 14.
6. Исоқбоев А. А. Наманган маорифи ва матбуоти тараққиёти йўлида. Наманган тарихидан лавҳалар.1-китоб. –Наманган, 2010. –Б. 36-37.
7. Чориев А. Х. Мустабид шўролар тузуми шароитида Ўзбекистон халқ таълими ва ўқитувчи кадрлар тайёролаш: миллий анъанавий ва шўро таълим тизимлари ўртасидаги зиддиятлари (20-30-йиллар). Тарих фан. док...дис. –Т., 1998. –Б. 36-37.
8. Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. – Т.: Шарқ, 1994. – Б. 54.
9. Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. –Т.: 2005. –Б. 179.
10. Мирзаалиев Э. Наманган шаҳар халқ маъорифи тараққиёти тарихидан.– Наманган, 1989. –Б. 125.
11. Мирзаалиев Э. Ю. Базаров М.Т. Наманганнинг XIX аср охири ва XX аср бошидаги социал-иқтисодий ва маданий ривожланиши. –Наманган, 1998. –Б. 30.
12. Дадабоев Р. Наманган шаҳар маорифи тарихидан. Тарих тилга кирганда (мақолалар тўплами) Даврий тўплам № 2. –Наманган, 2008. –Б. 34.
13. Насриддинова Д. Наманганда хотин-қизлар маорифи. Наманган тарихидан лавҳалар.1-китоб. –Наманган, 2010. –Б. 72.